

ДЕХҚОНЛАР
ШАЙЛАНМОҚДА

БЕКОБОД райондаги «Победа» колхозда машина теримига тайёргарлик кўриб бўлинди. Ҳам-
ма «зағирга» кема»лар далага отилиб турибди. Механизаторлар бу йил ҳосилининг кўп қисми-
ни машинада териб беришга қарор қилишган. Шунингдек, Янгийўл райондаги «Ленинград» кол-
хозда ҳам мул ҳосилини нобуд қилмай йиғиб-териб олишга пухта ҳозирлик кўрилмақда. Суратлар-
да: 1. Механизаторлардан (чапдан ўнгга) Э. Бийбев, А. Қўшмонов, Г. Алибев ўртоқлар. 2.
Янгийўл райондаги «Ленинград» колхозини тартиб-ташвиқотнинг секретари (чапдан ўнгга) Қ. Даве-
ров бригада бошлиғи Х. Алмазов билан ҳосилини чамалаб кўрмоқда.
А. Тўраев ва Н. Тўраев фотолари.

ТОШКЕНТ
ХАЛҚКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИКИШИ
№ 176 (3914).
7
СЕНТЯБРЬ
Ш А Н Б А
1968 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин.



«БИЗНИНГ ХАЛҚЛАРИМИЗ—БИР
УЙДА ЎСГАН ИККИ ОҒА-ИНИ»

ТОЖИКИСТОНДАГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА
САНЪАТИ ДЕКАДАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Шу йил баҳорда тожик саломи ва қўшнлари Ўзбекистон шаҳар, қишлоқларида янраган эди. Ма-
на энди — улар билан янги уч-
рашув бошланди. Бу учрашув
мамлакатларимиз халқлари дўст-
лигининг ўша баҳорги байрамини
давом эттириш билан бирга бу
дўстлиқнинг янги байрами ҳам-
дир.

Бу байрам ҳам Тожикистон, ҳам
Ўзбекистон маданиятининг ифти-
хори бўлган ёзувчи, мутафаккир
Садриддин Айний номидаги ака-
демик опера ва балет театрида
бошлангиларининг ўзидек чўқу-
раб бора. Республика, унинг пой-
тахти Душанба меҳнаткашлари-
нинг вакиллари бу ерда декада-
нинг очилиш маросимига қўлла-
нишди.

Тантанали йилнинг президиуми-
да — Тожикистон Коммунистик
партияси Марказий Комитетининг
биринчи секретари Ж. Расулов,
Тожикистон ССР Олий Совети
Президиумининг раиси М. Холлов,
республика Министрлар Совети-
нинг раиси А. Қадҳоров, Тожики-
стон Коммунистик партияси Мар-
казий Комитетининг секретари
И. Раҳмонова, С. Эргашов, Тожи-
кистон ССР Олий Совети Прези-
диуми раисининг ўринбосари
Н. Зарипова, республика Министр-
лар Совети раисининг ўринбосари
Р. В. Зубаров, В. Е. Нович-
ков, М. Каримова, И. Маҳмадова
ўтиришди.

Президиум столи ёнида — Ўз-
бекистон Коммунистик партияси
Марказий Комитетининг секретари
Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон
ССР Министрлар Совети раисининг
ўринбосари С. О. Азимова ва
Ўзбекистон делегациясининг бош-
қа аъзолари ҳам бор.

Иккунд соҳабларнинг раҳбарла-
ри, кўта қўрғинга маданият ар-
аболари ҳам президиумда ўтири-
шди.

Тожикистон Коммунистик пар-
тияси Марказий Комитетининг би-
ринчи секретари Ж. Расулов ки-
риш нутқи билан тантанали маж-
лисни очди.

Тожикистон меҳнаткашлари,
деди у, уларнинг қадимий ва
яқин дўстлари билан бу қўвончли
учрашувга алла маҳалдан бери
эўр иштиёқда тайёргарлик кўриб
келибди. Маана энди ана шу муш-
тоқ бўлиб кутилган кун келди. Бу-
тун декада республика бўйлаб ўзи-
нинг байрам қўрғини бошлайди.

Ж. Расулов Тожикистон Комму-
нистик партияси Марказий Коми-
тети, Тожикистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва республика
Министрлар Совети номидан, То-
жикистоннинг барча меҳнаткаш-
лари номидан Ўзбек халқи вакилла-
рини чин қўнғилдан қизғин кут-
лаб: — ҳур омадда, дўстона азиз!
Хуш келибсиз, азиз дўстлар! деб
хитоб қилди.

Қардош халқларнинг ҳаммаша
ситиқдўстлик ва самимийлик вази-
ятада ўтаётган декадалари мам-
лакатимизда аjoyиб традиция бў-
либ қолди. Бу декадалар халқла-
римиз ҳаётида муҳим воқеа бўлиб,
миллий маданиятларнинг интерна-
ционал бирлигини бир-бирига яна-
да яқинлашувига, бир-бирини бо-
йининга яқинлашувига, дўст-
лигини қўллаб-қувватловига
хизмат қилмоқда. Азиз дўст-
лар! бу қардошликнинг муқаддас
қўлида кўндалар тарбиявий аҳа-
мида эва бўлмоқда.

Бутун оилаватини Ўзбек декада-
си шу ниҳоятдан қарғанда ало-
ҳида аҳамиятда моҳияти. Бу де-
када совет халқининг ватанпарвар-
лик қарорати юксалиб бораётган
вазирата, бутун мамлакат Влади-
мир Ильич Ленин туғилган ку-
нининг 100 йиллигини муносиб кут-
иб олишга тайёргарлик кўриляётган
айёмда ўтаётирмоқда. Маана шу
ажойиб воқеа арафасида Тожики-
стон ва Ўзбекистон меҳнаткашлар
партия раҳбарлигида босиб ўти-
лган ярим асрлик йўлга фарҳан-
гавий қараб, ўз қадимларини Ил-
вич вақиратларига мувофиқ босмоқда.
Ватанимизнинг шухрати бо-
қуқаратини тағин ҳам кўпроқ ош-
моқ, коммунизм учун қўрғинчи-
ларнинг сафарини ҳорман-тоғмай
жаранг кўрмоқда.

Ўзбек адабиёти ва санъатининг
Тожикистондаги декадаси партия-
мизнинг доно дўстона миллий сий-
сати тантана қилганлигини яна
бир марта яққол кўрсатади, халқ-
ларимизнинг қардошларга дўст-
лик ҳисларини чин қўнғилдан са-
мимият билан ифода қилади.

Бир-бирига қардош бўлган Ўз-
бек ва тожик халқларининг дўст-
лиги чўқур тарихий томир ёган
дўстлиқдир. Икки буюк адибимиз-
нинг — Алишер Навоий билан Аб-
дурахмон Жомийнинг дўстлиги ў-
қимда маана шу қардошлик ало-
қаларини ўзига ериги тавалла-
тирган эди.

Совет ҳокимияти йилларида
пролетар интернационалини при-
циплари, сиёсий мақсадлар ва қар-
ашлар билан муносабатларини
асос қилиб олишга дўстли-
гимиз айниқса мукамал ривож-
ланди.

Ўзбекистон билан тожиклар Ком-
мунистик партия раҳбарлигида,
рус ишчилар сиёсийнинг қардош-
ларча ёрдами билан ўз эркинли-
ларига эришилди, янги ҳаёт учун
қўнғил-қўлга бериб қўрилди,
кўч асрлардан бери давом қилиб
келяётган қолоқлиқни тутатдилар,
социалистик экономикани ва ма-
даниятни вужудга келтирдилар.
Бизнинг дўстлигимиз энг катта
синослардан ўтди, бўлат каби то-
ланди. Энди бу дўстлиқни ҳеч
ким, ҳеч нима бўлашаптирма ол-
майди. Биз аминимизки, бу сафарги
учрашувимиз совет халқларининг
дўстлигини — социализмнинг энг
катта ғалабаси, Коммунистик пар-
тиясининг доно ва ўзқич қўрувчи
деғинча миллий сийсатининг бе-
қаро самараси бўлган дўстлиқни
тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамла-
йди.

Қардош маданиятларнинг дека-
далари илтимой сиёсий аҳамият-
га эга бўлиш — билан бирга бир-
биримизни билиш ниҳоятдан ҳам
катта роль ўйнайди. Бу декада-
лар маданий муваффақиятлар бил-
ан бир-биримизни бойитишга ёр-
дам бериб, халқларимизнинг кўп
миллатли совет маданияти ютуқла-
ри билан яқиндан танишиб олиш-
ларига имконият туғдилади. Хул-
лас, қардош маданиятларнинг де-
кадалари коммунизм сари дадил
олга бораётган халқларимиз ҳа-
ётидаги буюк ўзгаришларни санъ-
атнинг мўжизакор кўзгусида акс
эттириди.

Худди шунингдек Ўзбек адаби-
ёти — санъати декадаси ҳам та-
лантли Ўзбек халқининг гузал
санъати ва ранг-баранг адабиёти
билан шунчаки таништирибгина
қолмасдан, шу билан бирга қар-
дош республикаларимизнинг эко-
номикаси, маданияти тўғрисидаги
ўзаро тасавуруларимизни тағин
ҳам кўпроқ кенгайтиради.

Декадага келган Ўзбек дўстла-
римиз ҳам ўз халқларининг улуғ-
вор ишлари тўғрисида Тожикистон
меҳнаткашларига барчага тупсу-
ватли санъат тилида ериги ва
батифсил ҳикоя қилиб берадилар.

Қардош Ўзбекистон вакиллари-
ни юртимизда кутиб олар эканми-
за ҳақиқий дўстлар бўлганлигини
учун ҳам биз уларга: ўзининг бу
ерда ўз уйинидагидек қўнғиллар!
— деб айтамыз.

Республикаимизда тожик адаби-
ёти декадаси ўтказилган май кун-
ларида Ўзбек қардошларимиз бил-
ан учрашиб, олган ериги таассу-
ротларимиз ҳали ҳам хотирламизда
сақланиб турибди. Хўжалик ва ма-
даний қўрилишнинг ҳамма
ушатишларида халқимиз қилаёт-
ган ишларнинг улуғворлиги бизга
жуфта катта таассурот қолдириди.

Қардош республикаларимиз —
Улуғ Оқтўрнинг фарзандлари
бўлиб, партиямиз сийсатининг ҳа-
ётидаги кўчлини кўрсатувчи ериги
ўзини бўлиб турибди. Совет
ҳокимиятининг 50 йили давомида
Ўзбек ва тожик халқлари бутун
бир тарихий дарадан сакраб ўтди.
экономия ва маданиятининг мил-
латимизга муваффақ бўлиди.
Шарқда социализмнинг жоизбод
маъналияга айландилар. Шу са-
бабли биз бутунини Ўзбекистон ю-
ксак даражада ривожланган ин-
дустрия ва қишлоқ хўжалик ўл-
каси, машинасозлик, қудратли
энергетика, химия, нефть ва газ
санъати, «оқ олтин» ўлкаси бўлиб
қолганлиги билан фарҳанга
Пактдорларимизнинг традицион
муносабат — пахтачиликда янги
қарқаралиқ қўлга киритишимизга
ёрдам беришда.

Талантли Ўзбек халқининг ада-
биёт ва санъати ривожлантириш-
даги муваффақиятлари билан фахр-
ланимиз. Ўзбек адабиёти классик-
ларининг ва ҳозирги замон санъат
усталарининг асарларини ни-
тоҳхоналаримизнинг кенг қўнғил-
ли севиб ўқимизда. Тожобани-
ларимиз Ўзбек драматурглари, ўз-
бек композиторлари, rassomлари
ва кинематографларининг асарла-
рини билидилар ва севадилар. Ўз-
бек пьесалари ва опералари тожик
театрларининг сахналарида му-
ваффақиятли равишда кўрсати-
лмоқда. Театрларимиз, филармо-
нияимизнинг буюк актери, бирин-
чи солисти, йўқти, унинг репер-
туарида Ўзбек шoirлари, ёзувчи-

ҳаётиимизни тортиқ қилиб олиб
кедик. Буларнинг ҳаммасини са-
мимий дўстлик ва вафодорлик бел-
тиси деб қабул қилгансиз.

Сизларнинг еригизга қадам қў-
йиб билан ўзимизни самимийлик
ва қардошлик вазиётида аjoyиб
мизни бутун жон—танамиз билан
ҳис қилмоқдамиз. Бу — барча со-
вет халқларини, бутун социали-
стик ватаниннг буюк оиласини бир-
лаштириб турган катта ва бузил-
мас дўстлиқнинг бир кўриниши-
дир.

Шу дўстлик билан жипслаган
совет давлати ҳозир ўзининг бу-
тун паҳлавон қаддини ростлаб,
душманларга бамисоли катта тоғ
каби даҳшат солиб, бутун дунё
меҳнаткашларига умид ва илҳом
бахш ўрнак бўлиб мустаҳкам ту-
рибди. Дўстлик халқларимизга
тинмай олга боришда, янгида-
янги чўққиларга кўтарилишда,
коммунизм ишининг ғалабаси учун
қурашда қанот бағишлайди.

Дўстлигимиз йилдан-йилга му-
стаҳкамланиши ва равноқ топиши
учун, қардошлик алоқалари биз-
ларни тағин ҳам кўпроқ жипс-
лаштириши учун, совет халқлари
бир сафда туриб ўзаранинг пор-
лоқ мақсадлари — коммунизмга
олиб борадиган улуғвор йўлни та-
ғин ҳам тезроқ босиб ўтишлари
учун бундан буюк ҳам қўчқимиз
аймай меҳнат қилаверайлик.

СССР халқ артисти М. Тур-
ғубоева билан Ўзбекистон халқ
шoirи Улуғвор давомди қараклар
осида асралиб совет-Ўзбек ва то-
жик халқлари машҳур фарҳанг-
ларининг портретлари солинган ик-
ки вазири топирадилар. Бу ва-
зининг бирини Жомий билан На-
воийнинг портретлари, иккинчис-
га эса Ҳамза билан Айнийнинг
портретлари солинган.

Тожикистон халқ шoirи, давлат
муфоттиҳини ва Рудойи номида-
ги республика муфоттиҳининг лау-
реати Мирсайд Миршакар Ҳаби-
бонинг меҳнатнашларига ва Ду-
шанбадаги байрамга келган декада
иштирокчиларига муҳаббат, дўст-
лик сузалари билан мурожаат қил-
ди. Ўзбекистон халқ шoirаси
Зулфия дўстлик тўғрисидаги
шеърини ўқиб берди.

Дўстлик ҳақидаги шеърлар де-
каданинг маана шу катта байрам
кўнғига шеърларнинг, достонлар-
нинг, рақсларнинг қанотида пар-
воз қилиб келди. Бунинг биринчи
бўлиб залга доира ва чанг сада-
ли, симфония оркестр оҳанглари
олиб кирди.

Қардош халқларининг байрамга
уларнинг улуғ фарзандлари Ҳам-
за билан Айний кўриб келгандек
бўлди. Революциянинг икки сол-
тади Ўзбекистон ва Тожикистон
совет адабиётининг асосчилари
бўлган бу икки ёзувчи бир-бирини
қўллаб-қувватлаб, бир-бирини маҳкам
қўллаб ва ўз халқларини боғлаб
турган ҳамма қадимдан давом
этди келаятган дўстлик ҳақида та-
пирадилар. Ҳамза билан Айний
сўзларини хор ва оркестр давом
эттириди — С. Юдаков билан Т.
Ўзланнинг «Висол» вокал-сим-
фония поэмаси илғайди. Бу поэм-
да совет мамлакати халқларининг
қардошлиқ тараннуми эттилади.

Бу концерт чинаман байрам
лебоаси бўлиб қолди. Навоий
номиди катта опера ва балет
театрининг «Баҳор» ансамбли-
нинг, маҳомчилар ансамблининг
коллективлари, қорғаллоқ ашу-
лачилари, Тошкент консервато-
риясининг студентлари ўз санъат-
лари билан бу концертга, ранг-
баранг янги бердилар.

Токин ва Ўзбек тингловчилари-
га яқин бўлиб қолган рус классик-
санин асарлари икки эттиди.
Ашулалар Ўзбек ва тожик тилла-
рида илғайди. Бу ашулалар театр
залда ўтирилганга ҳам, кон-
церти радио ва телевидение, ор-
қали кўриб, тинглаб турганларга
ҳам яқин ва ёқимли. Бошқача бў-
лиш ҳам мумкин — ама, Чунин
ватан, муҳаббат, дўстлик адо-
лат сингари ҳар бир кишига
азиз бўлган сўзлар, ҳар иккала
халқ тилида бир хилда илғайди.
Шoir Ҳамза Олимжоннинг биз-
нинг халқларимиз бир ўйда ту-
намиздаги сўзлари бекхитёр эста-
тушди. Шу оға-чилардан бири
бутун иккинчиликка меҳмон
бўлиб келди. Демак уйга байрам
кирди. Ўзбекистон адабиёт санъ-
ати байрами тожикларнинг қад-
имий ва навиқрон эди бўлаб ўзи-
ни юртининг бошлаб юборди.

С. ФРОЛОВА, Э. РАШИДОВ,
ЭТАГ махсус муҳбирлари.
Душанба, (6 сентябрь).



ГЕКТАР БОШИГА ИККИ ЮЗ ЦЕНТНЕРДАН

Бригаданимиз аъзолари ўтган йили
ҳар гектар ердан 182 центнердан
янароқ поси йиғинтириб олган эди-
лар. Бу йили марғамиз эса 85 сен-
тар ерининг ҳар гектаридан 200
центнердан ҳосил олишди. Ёзувчи
навоида 4 марта комплекс ишлаб
берди, уч марта озирантирнинг ва
сугорди. Натияжада ҳосил орта
ишди. Владимир, Ли, Нам Су Юи
ва М. Сулаймонов икки фидокор
дўстлар мўз ҳосил етиштириш
ўлида самарали меҳнат қилдилар.
Ҳозирги кунда улар икки фидокор
таги икки фидокор эдилар.

Икки фидокор қўнғил қўлга
қилиб бермоқда. Делаларинидаги
4 та «С» агрегати ишлаб турибди.
Уларнинг ҳар бирида 21 гектар ер-
дан ўриб олинган ҳосил қайта иш-
ланади. Ҳозирги кунда ҳар бир
агрегати эмедаги иш унуми
13—14 тоннани ташкил этмоқда.
Бригаданиннг барча аъзолари ўри-
мишда айтиш иштирок этмоқдалар.
Четдан қўшмача ишчи кучи талаб
қилмаслиқни улар билан нелишиб
олдик. Ҳамма ҳосилин ўзимиз йи-
ғинтириб олишга қарор қилганимиз.
Канол ўриш йилининг 20 сентяб-
ри қудратли тугаллашмиз ва ҳар
гектар ердан олинадиган ҳосилин
300 центнерга етказамиз.

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ШАЙ

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ШАЙ
«Тошкент ҳақиқати»
ремонтдан чиқариб бўлинди. 40 та
муҳбирлар. Райондаги «Партия XXI
съезди» колхозда йиғим-теримга
тайёргарлик ишлари илғим кетай-
ти.

Механизаторлар терим машинала-
рини ремонтдан чиқариб қўйишди.
Йиғим-терим партия меҳнатини то-
лаш қилишда бегона ўтларни
қўйишди. Хўжаликда кўча ва кўп-
қўнғилларнинг қўнғил ишлари ҳам
дўстларимиз «оқ олтин» териб бериш
мажбуриятини олдидлар.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Йиғим-терим колхоз деҳқонла-
ри беш йилликнинг унтинчи йилида
мавжуд 1200 гектар майдондан пази-
да 2850 ўринга 3000 тонна «оқ
олтин» топириш учун қўрғинчи-
лар.

Ҳосилдан орада қолган ерлардаги
ғўзалар ҳозир қўшмача таърирлар
дан чиқариламоқда. Майдонлар ўтдан
тасваланяпти. Деҳқонлар машинала-
ри кўпроқ фондларини ва ҳосилин
тезроқ йиғинтириб олиш иштиғи
билан аялламайди.

ПОМИДОР КОНСЕРВАЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ. 30 август.
(ТАСС). Усмон Юсупов номли
комбинат далаларида Криво-
дар селекцияларлари ет-
тирилган «консервная урожай-
ная» деган майда помидор пай-
да бўлди. Майда помидор ҳос-
илининг дастлабки туркуми Ян-
гийўл консерва заводида келти-
рилади.

Краснодардан келтирилган
лиги хил помидор Ўзбек дё-
рида ўз афзаллиқларини бирин-
чи йилда намоён қилди. По-
мидор туллари ётиб қолмаган-
лигинда ҳар гектар ерда 100
минг тул ўтказиш мумкин. Оли-
надиған ҳосил эса, 450 цент-
нер — одатдаги майда помидор-
га нисбатан икки ярим бара-
бар кўп.

Комбинатда уруғ тайёрлайди-
ган беш барпо этилди. Бу пех
келаси йил учун қанда 200
килограмм янги нав уруғи тай-
ёрлаб беради.

9 СЕНТЯБРЬ БОЛГАРИЯ ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

БОЛГАР-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ АБАДИЙДир

Бундан 24 йил муқаддам — 1944 йилининг 9 сентябрыда болгар халқи Совет Иттифоқининг гитлерчилар Германиясига қарши олиб бораган муқаддас урушдаги тарихий ғалабаларига таяниб, Болгария Коммунистик партияси раҳбарлиги остида фашистик диктатура ва капиталистик ҳукмронлиқни ағдариб ташлади ҳамда мамлакатда халқ ҳокимиятини ўрнатди.

Ушархиз кундан буён қардош болгар халқи, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният ҳар йили 9 сентябрни Болгария Халқ Республикасининг миллий байрами сифатида кенг нишонлаб келмоқда.

Халқ ҳокимияти йилларида Болгария ниҳоятда қолоқ, аграр мамлакатдан — Ғарбий Европа капиталистик давлатларига ҳам ашё етказиб беришни мамлакатдан — индустриал-аграр мамлакатга айланди. Унинг замонавий саноати ва юксак даражада механизацияланган ва кооперацияланган қишлоқ хўжалиги барқ уриб ривожланмоқда.

Социалистик Болгариянинг саноатни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари айниқса қувонарлиқдир. 1967 йилда саноат маҳсулоти ҳақми урушча бўлган 1939 йилдагига нисбатан 27 баравар ортди.

Саноатни ривожлантириш суръатлари қишлоқ хўжалигининг ўсиш суръатларига нисбатан анча юқори даражада борганини натижасида саноат маҳсулотидаги ишлаб чиқариш сазмоғи кўпайди. Агар 1939 йилда саноат маҳсулоти сазмоғи 27,7 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулоти 75,3 процентини ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда саноат маҳсулоти деярлик 80 процентга тўғри келади. Бироқ бундан қишлоқ хўжалик маҳсулотидаги ишлаб чиқариш жуда каймайиб кетибди, деган хулоса чиқариб бўлмайди.

Мамлакатни индустриаллаштириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш халқ Болгарияси кўп қиратган ажойиб ютуқлардан бири бўлди. Болгария Совет Иттифоқидан кейин қишлоқ хўжалиги батамом кооперацияланган иккинчи мамлакатдир.

ҚАРДОШМИЗ, ҚОНДОШМИЗ

1944 йилининг 9 сентябрыга қадар Болгария қишлоқ хўжалиги майда ва тарқоқ эди. Мамлакатда 1 миллион 100 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги бўлиб, уларнинг ҳар бири ихтиёрида икки-уч гектар ер бўларди. Жуда паст ҳосил олинарди.

Ҳозирги Болгариянинг қишлоқ хўжалиги юксак даражада механизацияланган ва илмий асосда ташкил этилган. Мамлакатда 900 ТНХЗ (колхоз) ва 92 ТЗХ (госхоз) бор. Ҳар бир колхоз ўртача 3960 гектар ва ҳар бир госхоз 4300 гектар ишланадиган ерга эга.

Болгар дўстларимиз ерни ишлашда комплекс механизациядан фойдаланишни совет тажрибасини муваффақиятли қўлланмоқдалар. Бу йил 95 процент дон экинлари ҳосил машиналар ёрдамида йиғиб олинди. Тамани, пахта, узум ва сабзавот етиштиришдек мураккаб иш жараёнларини механизациялаш масаласи ҳам аста-секин ҳал этилиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бормоқда. Агар 1934—1939 йилларда ҳар гектар ердан олинган буғдой ҳосили йилга ўртача 12,4 центнерни ташкил этган бўлса, 1965 йилда об-ҳаво нуқул келишига қарамай, ҳар гектар ердан 25,5 центнердан, 1967 йилда эса 30 центнердан буғдой ҳосили олинди.

Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши тўхтовсиз яхшиланмоқда. Масалан, 1957 йилда меҳнат қобилиятини ҳар бир кооператорнинг ўртача йиллик даромади 404 левага тенг бўлса, 1963 йилда 641, 1966 йилда эса 900 левага етди.

Болгария Коммунистик партияси ва ҳукумати жамиятни революцион қайта қуришнинг ажралмас қисми бўлган социалистик маданий революцияни амалга оширишга жуда катта эътибор бердилар.

А. ПОНОМАРЕВ,
Ўзбекистон КП Тошкент область
комитетининг иккинчи секретари.

Дастлабки йиллардаёқ саводсизлик батамом тўғатилди. Олий ва ўрта ўқув юрталари, улардаги муаллимлар ва талабалар сони тез суръатларда ўсиб борди. Болгарияда савқиз йиллик умумий мажбурий таълим ва политехника ўқув муваффақиятлари амалга оширилмоқда. Ўрта мактабни тугатиш проценти бўйича Болгария Халқ Республикаси ҳозир жаҳонда энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ҳар бир болгар шахри, қишлоғидаги энг бежирим бина — мактабдир.

Олий таълим ҳам тез ривожланмоқда. Ҳар ўн минг киши ҳисобига студентлар сони бўйича Болгария ҳозир СССР ва АҚШ дан кейин жаҳонда учинчи ўринда туради.

Мамлакатнинг маданий ҳаёти юксалмоқда. Кино ва театр болгар меҳнаткашлари турмушига қучуқ синиб кетди. 1939 йилга нисбатан кинотеатрлар сони 12 баравар, қишлоқларда эса 51 баравар кўпайди. Болгарияда 129 музей, 4500 кинотеатр, жуда кўп кутубхоналар бор.

Болгарияда миллий даромад тўхтовсиз ўсиб, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг уй-жой, маданий-маиший шарт-шароити тобора яхшиланмоқда. соғлиқни сақлаш тармоқлари кенгаймоқда.

Улут Октябрь социалистик революциядан сўнг халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстлик бекибс ривожланди.

Иккинчи жаҳон уруши совет ва бол-

гар халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликка катта снов бўлди. Ҳар қанча урушларга қарамай гитлерчилар Германияси болгар қўшинларидан СССР га қарши жангда фойдалана олмадилар. Бирорта ҳам болгар совет қўшинларига қарши жанг қилгани йўқ. Аянича, Болгариянинг жуда кўп фарзандлари Совет Армияси сафарида туриб, СССР овозлиги учун, Болгария овозлиги учун жонларини фидо қилдилар.

1944 йилининг 9 сентябры совет-болгар дўстлиги тарихида янги саҳифа очди. СССР билан дўстлик Болгарияда умумхалқ ҳаракатиға айланиб кетди. Болгар халқи ўзининг абадий барҳайт доҳийси ва устози, халқаро коммунистик ҳаракатининг йирик арбоби, бизнинг катта дўстимиз Георгий Димитровнинг «Кўч ва ҳаво ҳар бир тирик маъмурут учун қанчалик ҳаётли зарур бўлса, Совет Иттифоқи билан дўстлик Болгария учун ҳам шунчалик зарур, деб билмайдиган ўз ватанини севмайдиган бирорта ҳам болгар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас» — деган васиятини муқаддас қилмоқда.

Болгария Халқ Республикаси ҳукумати ва Болгария Коммунистик партияси, бутун болгар халқи ҳаминча донимча тинчликсеварлик сисбати, тинч-тотувиш ва халқлар ўртасида дўстлигини мустаҳкамлаш позицияларида маҳабат турибди. СССР ва Болгария барча масалаларда батамом яқдлаб ҳамфикр бўлиб келмоқдалар.

Совет-болгар дўстлиги бизнинг кунларимизда ҳақиқий қардошлик намунаси бўлиб қолди. Совет-болгар муносабатлари халқларнинг социалистик дўстлигининг ажойиб мисоли бўлиб қолди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли касбадаги мутахассислар, фан ва маданият арбоблари, партия, совет, касба

союз ва комсомол ходимларини тез-тез юбориб туриш одат тусига кирган. Бу илгор тажрибаларни ўрганиш ҳамда мамлакатларимизнинг социализм ва коммунизм йўлидан тез илгарилаб боришдек одиёнаб ишга ҳизмат қилмоқда.

Болгар ва совет халқлари ўртасидаги яқин ва изчил ҳамкорлиқни Тошкент области ва Хасково округи меҳнаткашлари ўртасида ўрнатилган дўстона, қардошлик муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Мала бир неча йилдирки, биз делегациялар алмашиб турибмиз. Бу иш ҳар икки қардош халқга хўжалик ва маданий қурилиш, партия ва синёси ишлар соҳасида тўпаланган тажрибаларни ўзаро ўрганиш ва бойитишга ёрдам бермоқда.


Болгар дўстларимиз областимизга келиб, пахта етиштириш тажрибаларини, саноат қорхоналари ишини ўрганишларга, ўз навбатида биз Болгарияга бориб, сабзавот етиштириш, қишлоқ қурилиш тажрибаларини ва бошқа кўп ятгаликларни ўрганиш.

Хасково округи меҳнаткашлари Тошкентда бўлган кучли зилзиладан кейин қардошлик ёрдами тариқасида шахримизда ўз лойиҳалари асосида 1200 ўринли ўрта мактаб қуриб, беришга қарор қилдилар. Бизнинг саноат қорхоналаримиз коллективлари эса Хасково пахта заводи учун қурилиш-тозалаш исхи асбоб-ускуналарини тайёрламоқдалар. Бундай бевараз ўзаро ёрдам халқларимиз ўртасидаги интернационал дўстлигини янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилмоқда.

Болгария социалистик революциясининг шонли 24 йиллигини кенг ишонлар эканимиз, биз қардош халқнинг социалистик қурилиш йўлидаги катта муваффақиятлари билан кескс қувонамиз ҳамда унинг равшан истиқболини кўриб қуланмоқдамиз.

Тошкент области меҳнаткашлари мана шу ажойиб байрам арафасида ўз болгариялик қардошларига чин юракдан табрик йўллабдилар ҳамда социалистик Болгариянинг бундан кейин ҳам гуллаб-яшнашида катта муваффақиятлар тилайдилар.

Совет-болгар дўстлиги абадий бўзлмасдир!



ДИМИТРОВГРАД Кимё комбинатининг умумий қўрилиши.
БТА—ТАСС фотоси.

СОЦИАЛИЗМ ЙЎЛИДАН

● Болгария Халқ Республикаси Европанинг жану-бишарий қисмида жойлашган бўлиб, территорияси 111 минг квадрат километр. Республика аҳолиси 1966 йилда 8285 минг кишини ташкил этган.

● Болгариянинг саноат маҳсулоти ҳақими 1967 йилда 13,4 процент ўсди. Шу жумладан қора металлургия қорхоналарида 27,3 процент, машинасозлик ва металлчи қайта ишлаш саноатида 20,1 процент, химия ва каучук саноатида 19,9 процент кўпайди. Электр ва иссиқлик энергияси ҳосил қилиш 16,6 процент ошди.

● Аҳоли жоп бопига рангли металл ишлаб чиқариш бўйича Болгария жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

● Бу йил мамлакат металлургия 18 млн йил маркази бўлиб ишлаб чиқаришни ўзлаштирилди.

● 1967 йилда ил-ғазлама ишлаб чиқариш 306 миллион метрга етди. 1965 йилда 253 миллион метр ва 1950 йилда 71 миллион метр ишлаб чиқаришган эди.


● Озин-овқат саноати қорхоналарининг қуввати тўхтовсиз ортиб бормоқда. 1970 йилга бориб юқори сифатли меза шартблатлари ишлаб чиқариш тахминан йилга 40 минг тоннага етди. Шунингдек, компот ва турли хил мурабболат тайёрлаш анча кўпайди.

● Саноат маҳсулоти 80 процентга яқини Совет Иттифоқининг ёрдами ва иштирокида қурилган заводлар ишлаб чиқармоқда.

● Болгарияда 9,5 миллион декар (декар — 0,1 гектар) экин майдонига етди. Бу 1951—1955 йиллардагидан қариб икки баравар кўп декардир.

● Болгария мезор богларининг умумий майдони 1944 йили 54 минг 120 гектар эди. Бу йил 174 минг гектарга етди.

● Мамлакат халқ маорифи шохобчалари мактаб ёшига етган барча болаларни қамраб олган. Ҳозир 2 миллионга яқин ўқувчи бор. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим оладиган ишчилар, деҳқон-кооператорлар ва хизматчиларнинг ўз юз минг кишини ташкил этади.



Суратда: Болгария Халқ Республикасининг пойтахти. СОФИЯ.
БТА—ТАСС фотоси.

ПАХТАКОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Болгар ва ўзбек меҳнаткашларининг дўстлиги оғиздаги гап эмас. Бу дўстлик ўзининг амалдари ифодасини топтомоқда. Ҳар икки қушчи ўлка халқлари бири-бирига шогирд, бири-бирига устоз. Ютуғу шодликлари ўртада, ҳар бир соҳадаги муваффақиятларини бирга баҳам қуришди. Бу икки мамлакат пахта усталари ўртасида ҳам ана шундай самимий ва бевараз дўстлик қарор топти.

Областимизнинг энг яхши мутахассислари болгар дўстларига пахта етиштириш ва уни тегиб олишни механизациялаш соҳасидаги ўз тажрибаларини ўргатдилар. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрификацияни институтининг илмий ходими Р. Бойматов ва Бутуниттифок пахтачилик илмий текшириш институтининг катта илмий ходими М. Юнусов бир ой мобайнида Хасково округида бўлиб, қардошларини ўзбек пахтакорларининг илгор

тажрибалари билан таништирдилар.

Болгар дўстларимиз Тошкент областида қўллангиланган меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг илгор усулига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Ҳозир бу усул Хасково пахтакорлари ўртасида кенг ёйилмоқда.

Шу йил бошларида болгариялик бир гуруҳа мутахассислар Тошкентга келишди. Улар Хасково округида пахта тозалаш заводи қуриш учун бундан тажриба ўрганишди. Мутахассислар шу ҳақда иккисерлардан маслаҳатлар олдилар. Ўзига ҳақ тўлаш институтида бўлишди, заводларга боришди. Янгийўлдаги «Интернационал» колхозига бориб машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Топковнинг иш тажрибаларини ўрганишди. Окдўргондаги Димитров номи колхозда эса меҳнатни ташкил этиш ва

унга ҳақ тўлашнинг янги усули билан қизиқишди.

Хасково округи пахтазорларида ишлатилаётган кўп турдаги техника, жумладан, терим машиналари областимиз машинасозлик қорхоналарида ишлаб чиқаришган. Ўтган йили ўзбек «сангори кема»лари болгар пахтакорларига маддкор бўли.

Йилида яна бир ажойиб машина Болгарияга қараб йўл олади. Бу — «Танкельман» заводида ишлаб чиқаришган тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта терим машинаси. Болгария деҳқонлари қороний мамлакатлар пахтакорлари ичидан биринчи бўлиб жаҳонда энг мукаммал ҳисобланган серурум машина билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Бу машина ҳар қуни 25 тоннага етказиб пахта териб беради. Пахта терим комбайни узок вақт бегўхтов ишлаш қобилиятига эга.

М. ТОХИРОВ.

ДЎСТЛИК ИПЛARI

Серкуеиш Ўзбекистон пойтахти Болгариянинг Хасково округида ишчиларча километр масофа ажратиб туради. Лекин ҳар иккида ўлка меҳнаткашларини боғлаб турган қалин дўстлик илдары бундай катта масофани тан олмайд.

Шу икки ўлка меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик бундан турт йил муқаддам қарор топган эди. Худди шу йили совет-болгар дўстлиги жамиятининг Тошкент области бўлими таъсис этилганида тўқимачилик, Чирчиқ электрхимия, Оҳангитрон цемент-шифер, Олтинтопан қўроғиш-рух комбинатлари, Калинин райондаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» ва Карл Маркс номи, Янгийўл райондаги «Ленин» колхозлари, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ва бошқа коллективлар мажкур бўлишга коллектив аъзо бўлиб киришди.

Хасково округи билан ҳар соҳадаги яқин алоқаларимиз ана шундан бошланди. Бу алоқалар йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, қулоқ отиб бормоқда.

Совет болгар дўстлиги жамиятининг области бўлими бу йилга катта ҳисса қўйди. Ҳар иккида ўлка меҳнаткашларининг иқтисодий ва маданий ҳамкорликларини ривожлантиришда муҳим воситачи бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган давр мобайнида Болгарияга турли хил фотосуратлар, граммпластинкалар, амалий санъат асарлари, шунингдек турли хил адабиётлар мунтазам равишда шу бўлими орқали юбориб турилади.

Серкуеиш Ўзбекистон эришган муваффақиятларини асос эттирувчи турли хил брошюралар, обрив галереяларининг комплектлари шулар жумласидандир.

Ўз навбатида биз ҳам болгар дўстларимиздан худди шу хилда материаллар олиб турибмиз. Улар дўстлик нечалари ва урғуларини ўқатишди. Болгар халқининг социализм қуриш соҳасидаги муваффақиятлари билан ўзбек меҳнаткашларини таништиришда кенг қўлланилмоқда.

Партия, совет ва хўжалик делегацияларининг навбатма-навбат дўстлар ҳузурига қилган сафари, ўзаро тажриба алмашуварлари ҳам йил сайини ривожланиб бормоқда. Ўтган йиллар мобайнида областимиз вакилларидан делегация биринча бор қардош болгар дўстлар ҳузурида бўлиб ва ўз навбатида Хасково округи меҳнаткашларининг вакилларини ўз юртимизда

қабул қилди. Буларнинг ҳаммаси катта ижобий ва самарали натижалар бермоқда.

Хасковонинг дўстларимиз бизга сабабот етиштириш соҳасидаги катта тажрибаларини ўргатди. Улар газ билан иситилган сабзавот теплицаларининг лойиҳаларини юборишди. Ҳозирги вақтда ана шу лойиҳалар бўйича областимиз колхоз ва совхозларида умумий майдони 50 гектарга яқин бўлган 16 та теплица қуриляпти.

Қардошларимизнинг қишлоқларда уй-жой қуриш соҳасидаги катта тажрибалари ҳам бизга жуда кўл келмоқда. Ҳозирги вақтда Свердлов номи колхозда Болгария типига биринчи уй қад қўтарган, у дўстлик уйи деб аталди.

ТОШКЕНТ — ХАСКОВО

Ўз навбатида хасковонинг пахтакорлар ҳам уларнинг ўзбек қасбдорларидан кўп нарсани ўргатиб қайтишди. Улар пахтачиликни ва пахта териш механизациялаштириш соҳасидаги эришган ютуқларимизни кенг ўрганишлар. Шу туфайли ўтган йили округ пахтазорларида областимиз машинасозлари юборган пахта терим машиналари бениқсон ишлад.

Қардошлар идеология иши соҳасида ҳам бир-бирларидан кўп нарсани ўрганимоқдалар. Тошкент ва Хасково меҳнаткашларининг дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро социалистик муносабат тобора кенг янаёт бормоқда. Чирчиқ ва Димитровград кимётарлари, Тошкент ва Пловдив тўқувчилари, пахтакорлар ва сабзавотчилар ўзаро мусоба-

қалашиб, бир-бирларининг иш тажрибаларидан умумий фойдалангилар.

Болгария ва Ўзбекистоннинг икки серкуеиш ўлкасининг маданий алоқалари ҳам кенг ривож топтомоқда.

Ўзбекистонда ўтган йилининг сентябры ойида бўлиб ўтган Болгария маданияти декадаси бунинг ёрқин далили бўла олади. Декада қуналарида областимизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларда дўстона учрашувлар бўлиб ўтди. Олмалик ва Оқдўргонда, Янгийўл ва Векободда, Тошкент ва Чирчиқда ҳар икки халқнинг дўстлигига бағишланган ва неча ўн минглаб киши иштирок қилган таътанали йиғилишлар ўтказилди.

Шу қуналарда болгар халқи немиш фашистларидан овоз қилган қуниинг 24 йиллигини таътанали нишонладилар. Улар билан бирга бутун Ўзбекистон ҳам, унинг пойтахти бўлган Тошкент области меҳнаткашлари ҳам бу қуни ҳар йилгидек зўр қувонч ва таътан билан нишонлашди. Областимиз шаҳар ва қишлоқларида ўтказилган дўстлик нечалари, болгар халқининг социализм қурилиш муваффақиятлари намойиш қилинган.

Ҳа, Ўзбекистон билан Болгариянинг дўстлиги ва ҳамкорлиги, иқтисодий ва маданий алоқалари ана шундай ривожланиб бормоқда. Бу дўстлик мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги азалий дўстлигининг ёрқин бир тисмодидир. Бу дўстлик ҳеч қачон сўнмайди.

Болгария ва Ўзбекистон меҳнаткашларининг дўстлиги, Тошкент — Хасково ҳамкорлиги алангаси ҳаминча порлайверсин.

Х. СОДИҚЖОНОВА.



Яқинда область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ А. С. Пономарев бошчилигидаги Тошкент области делегацияси мусобақадон Хасково округида бўлиб, болгар қардошларимизнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва идеология ишларидаги тажрибаларини ўрганиб қайтди. Суратда: делегация аъзолари Димитровграддаги теплица хўжаликларининг бирини.

СОЦИАЛИЗМ ЙЎЛИДАН

● Мамлакат олий ўқув юрталарида 1967—68 ўқув йилининг бошларида 85,2 минг киши ўқиган эди. Ҳар ўн минг киши ҳисобига студентлар сони бўйича БХР Франция, ГФР, Англия сингари яхши ривожланган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди.

● Республикада ҳар йили

35 миллион нусхадан кўпроқ китоб нашр этилмоқда.

● Мамлакатда 10 минг 800 дан ортиқ кутубхона бўлиб, уларнинг 3338 минг китобхона, 36035 минг томлик китоб фонд бор. Республикадаги аҳолиси 500 кишидан ортиқ бўлган қишлоқларнинг ҳаммаси ўз кутубхонасига эга.

● Республикада 14 мингдан ортиқ турли бадий ҳаёсқорлик коллективлари бўлиб, уларда 500 мингдан ортиқ киши иштирок этади.

● Мамлакатнинг ташқи савдо обороти ўтган йили 9,5 процент, шу жумладан экспорт — 13,4, импорт эса — 6 процент ортди.

● Болгария — гуллар водийси чет элларга гул экспорт қилинади.

